

## Битта илм билан чегараланиб қолма



08:00 / 22.11.2020 1878

Саҳл ибн Муҳаммад Сижистоний айтади: «Бир куни ҳузуримизга султоннинг кўфалик бир ходими келди. У салом бериб кирди-да, «Басрада энг олим одам ким?» деб сўради. Мен шундай дедим: «Асмаийнинг илмини орамизда энг яхши билувчи Зиёдийдир. Мозаний эса наҳвни яхши эгаллаган, Ҳилол бизнинг энг фақиҳимиз, Шодкуний ичимизда ҳадис илмини энг яхши эгаллаган, мен эса Қуръон илмларига берилганман, Ибн Калбий ичимизда низомларни энг кучли ёзувчи».

Эртаси куни султон ўз котибига мен айтган олимларни буюрибди. Унинг ҳузурига кириб бордик. Султон биздан сўрай бошлади: «Мозаний қайси бирингиз?» Мозаний: «Мен», деди. «Зиҳор қилган одам ғилай қулни озод қилса бўладими?» деб сўради султон. «Мен фақиҳ эмасман, араб тили билан шуғулланаман», деди Мозаний. Султон унга ҳеч нарса демай,

Зиёдийга юзланди: «Эй Зиёдий, эр ўз аёлига хулуъ (Аёлнинг эри берган маҳрни қайтариши эвазига талоқ сўраши) берса, маҳрининг учдан бирини берса бўладими?» Зиёдий: «Буни мен билмайман, бу Ҳилол Раъйнинг илми», деди. Султон энди Ҳилолга қаради: «Эй Ҳилол, Ибн Авннинг Ҳасандан нечта санади бор?» Ҳилол: «Буни билмайман, бу Шодкуний биладиган нарса», деди. Султон Шодкунийга **«Огоҳ бўлингизки, улар (кофирлар сирларини) Ундан махфий тутиш учун кўкракларини (бошқа томонга) бурадилар»**. Мана шу қайси қироат?» деди. Шодкуний «Буни мен билмайман, Абу Ҳотим билади», деди. Навбат менга келган эди. Султон «Мўминларнинг амирига қандай мактуб ёзасан? Басра аҳлининг хусусиятларини сифатлаб, меваларига етган талофат ҳақида ёзиб, уларга эътибор қаратишни сўрайсанми?» деб сўради. Мен: «Мен китобат илмини билмайман, Қуръон илмлари билан шуғулланаман», дедим. Султоннинг ҳафсаласи пир бўлиб, деди: «Эллик йилдан бери илм ўқиб, фақат биргина илми ўрганибсизлар-да? Бошқа соҳадан савол берсанг, бир қадам ҳам юра олмайди. Бизнинг Кўфада энг олим одам Кисоий. Ундан ҳар қандай саволни сўрасанг, жавоб беради».

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**